



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
ADLIYA VAZIRLIGIDA
AVLAT RO'YXATIDAN O'TKAZILDI
O'YXAT RAQAMI: 2014-17
2019 yil 31 Oktabr

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИННИГ ҚАРОРИ



Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга ўзгариши ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги, “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги ва “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 6 сентябрдаги 744-сон “Банк фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгаришилар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгариши ва қўшимчалар киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк Раиси



Муратов

Тошкент ш.,
2019 йил “28” сеюмадор
24/6-сон

000235

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг
2019 йил 28 сентябрдаги
24/6-сон қарорига
ИЛОВА

**Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби
тўғрисидаги низомга киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 32-банд қуидаги тахрирда баён этилсин:

“32. Акциядорлар умумий йиғилишининг ваколатига кирувчи масалалар банк кузатув кенгаси ёки унинг бошқарувига топширилмайди, конун хужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.”.

2. 52-банд қуидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида мазкур бандда назарда тутилганидан фарқли талаб ўрнатилиши мумкин.”.

3. 53-банда:

“ташкил этилган банкнинг акциялари” деган сўзлар “ташкил этилган банкнинг акциялари умумий миқдорининг беш фоизи ёки ундан ортигини” деган сўзлар билан алмаштирилсин;

қуидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“Мазкур банднинг биринчи хатбохисида кўрсатилган шахслар Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган банкнинг акциялари умумий миқдорининг беш фоизидан кам бўлган миқдорда акцияларини сотиб олиш, уларга эгалик хукукини бериш ва шу каби бошка муносабатлар бўйича келишувлар амалга оширилганлиги тўғрисида Марказий банкка Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 10 мартағи 56-сон қарори билан тасдиқланган Банк фаолияти соҳасида рухсат бериш тартиб-таомилларидан ўтиш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ шаклда келишув амалга оширилган кундан кейин бир кун ичida ёзма равишда хабарнома юборади.”.

4. Қуидаги мазмундаги 111¹ ва 111²-бандлар билан тўлдирилсин:

“111¹. Банк мижозларга тезкор хизмат кўрсатиш мақсадида банк хизматлари оғисларини ташкил қилишга ҳақли.

Банк хизматлари оғисларида, қоида тарикасида, депозит ҳисобвараклар очиц, омонатлар қабул қилиш, тўловларни ва халқаро пул ўтказмаларини амалга ошириш, валюта айирбошлиш, истеъмол кредити ва микроқарз бериш каби базавий банк хизматлари кўрсатилади.

Банк хизматлари оғисларида улар жойлашган худуддаги талабдан келиб чиқиб юкоридаги хизматларга қўшимча равишда бошка банк хизматлари ҳам кўрсатилиши мумкин.

Банк хизматлари оғислари Марказий банкда ҳисобга қўйилади.

111². Банк хизматлари оғисини ҳисобга қўйиш учун уни ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан бошлаб банк 10 кун ичida Марказий банкка ушбу қарор нусхасини ва банк хизматлари оғиси тўғрисидаги низомни илова қилган ҳолда ёзма хабарнома юборади.

Банк томонидан банк хизматлари оғисини тугатиш тұғрисида қарор қабул қилинганды, банк ушбу қарор қабул қилинган кундан бошлаб беш кун ичидә Марказий банкка тугатиш сабаблары ва муддатларини күрсатған ҳолда ёзма хабарнома юборади. Хабарномага банк хизматлари оғисини тугатиш тұғрисидеги тегишли қарордан күчирма илова қилинади.

Банк хизматлари оғисини тугатиш тұғрисидеги ахборот унинг тугатилишидан камида ўн беш кун олдин банкнинг веб-сайтида ёки бошқа оммавий ахборот воситаларида эълон қилиниши лозим.”.

